

ТАРЖИМА ТУШУНЧАСИГА ОИД ТАЪРИФЛАР

Мухамедов Азизбек Холмурат ўғли

Жиззах ДПИ Инглиз тили назарияси ва

ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитивчиси

***Аннотация:** Ушбу мақола таржима жараёнининг лингвистик, адабий ва машина таржимаси доирасида амалга оширилган тушунчалар таҳлилига бағишланади. Мақолада таржиманинг хужжатли ва инструментал шакллари тавсифланади.*

***Калит сўзлар:** таржима, таржима назарияси, лингвистик, адабий ва машина таржима, таржима аспектлари, хужжатли ва инструментал таржима.*

Таржима тушунчаси доирасида кузатилган кенг кўламли таърифлар ва таржима жараёнига оид таърифлар таржима фаолиятининг асосан лингвистик, адабий ва машина таржимаси доирасида амалга оширилган.

Таржима жараёнида адабиётшунослар асосий эътиборни таржиманинг аксиологик аспектларига қаратишган. Одатда улар бадий матнлар таржимасини унинг асл матнга эстетик эквивалентлиги, таржима тилининг маънавий маданиятни ривожлантиришдаги роли, унинг давр ахлоқий эҳтиёжларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб, баҳолашга ҳаракат қилишган. Адабиётшунослар ва бадий адабиёт таржимонларининг кўплаб асарлари таржима касбининг соф профессионал томонига, таржима фаолиятида тажриба алмашиш ва аниқ таржималарнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолашга бағишланган [Lefevere 1992: 169, Рум 1992:227].

Тилшунослар ўз ҳаракатларини таржима жараёнини ўрганиш, унинг гипотетик моделларини яратиш, лексик, грамматик ва матн мосликларни ўрнатиш учун асл ва таржима матнларини таққослаш, таржима қонуниятларини аниқлаш ва асл нусха мазмунини узатишда таржима усулларини тавсифлаш ҳамда таржима эквивалентлиги (адекватлиги)

мезонлари ва таржимани ўқитишнинг самарали усулларини излашга қаратишган [Koster 2002: 25-31, Tytler 1997: 252].

Машина таржимаси йўналиши автоматик таржима яратиш ғояси даврида пайдо бўлиб, амалий аҳамиятга эга. У воситачи-тил орқали “тўғридан тўғри” ёки уч босқичли (таҳлил-трансформация-синтез) машина таржимасини моделлаштириш муаммоларини ишлаб чиқади, шахснинг таржима фаолиятини расмийлаштиришга, лингвистик маълумотларни самарали қайта ишлаш усулларини топишга, тилнинг синтактик тузилмаларини аниқлашга, лексик birlikларнинг маъносини тавсифлашга, маълум бир электрон ускуналар учун бир тилдан иккинчисига таржима қилиш алгоритмлари ва дастурларини тузишга ҳаракат қилади [Newmark 2003: 13-67].

Таржима тушунчасига оид таърифларни таржиманинг муайян тури доирасида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, таржиманинг хужжатли шакллари ва таржиманинг инструментал шакллари таржима мақсади, таржима шакли, таржиманинг сингдирилиш ва бошқа таркибий қисмлари бўйича ўзига хос белгилари билан тавсифланади. Умумлаштирган ҳолда, ҳар бир таржима шаклига хос таърифлар қуйидаги жадвалларда тақдим этилади.

Жадвал 1.

Таржиманинг хужжатли шакллари

Таржима функцияси	Манба маданиятига мўлжалланган коммуникатив таъсир кўрсатишга асосланган аслият маданиятига оид хужжат			
Таржима матн функцияси	мета-матн функцияси			
Таржима тури	ХУЖЖАТЛИ ТАРЖИМА			
Таржима шакли	сатрма-сатр таржима	сўзма-сўз таржима	филологик таржима	эгзотик таржима

Таржиманинг мақсади	Манба тил тизимини худди аслидай акс эттириш	манба тилнинг шаклларини худди ўзидай тиклаш	матн шакллари ва мазмунини худди аслидай тасвирлаш	манба матн шакллари, мазмуни ва муҳитини худди аслидай тасвирлаш
Таржима жараёнининг сингдирилиши	манба тилнинг лексик+син-тактик структуралари	манба тилнинг лексик бирликлари	манба тилнинг синтактик бирликлари	манба тилнинг матн бирликлари
Мисол	қиёсий тилшунослик	журналистик матнлардаги иқтибослар	мумтоз асарлар	замонавий адабий наср

Жадвал 2.

Таржиманинг инструментал шакллари

Таржима функцияси	манба маданиятидаги коммуникатив таъсир кўрсатишга асосланган таржима тили маданиятидаги коммуникатив таъсирга қаратилган восита		
Таржима матн функцияси	Референциал функция/ экспрессив/ аппелятив/ фатик ва турли хил майда функциялар		
Таржима тури	ИНСТРУМЕНТАЛ ТАРЖИМА		
Таржима шакли	тенг функцияли таржима	ҳар хил функцияли таржима	эквивалент таржима

Таржиманинг мақсади	реципиент ўқувчи учун манба матннинг функцияларини бажариш	манба матннинг функцияларига ўхшаш функцияларни бажариш	манба матннинг самараси билан бир хил самара ҳосил қилиш
Таржиманинг сингдирилиши	манба матннинг функционал бирликлари	манба матннинг таржима қилинадиган функциялари	манба матннинг оригиналлик даражаси
Мисол	қўлланиш усули	Gulliver's Travels болалар аудиторияси учун таржима қилинган	шоир томонидан таржима қилинган шеър

Бир тилдаги ёзма ёки оғзаки матнда ифодаланган ахборотни (мазмунни) бошқа тилдаги эквивалент (адекват) матн воситасида жамият зарурати туфайли етказиб бериш жараёни ва натижаси сифатида таржима таърифлари кенг қамровли жадвалларда тақдим этилди. Ушбу таърифлардаги икки ҳолат изоҳга муҳтож. Биринчидан, ахборот деганда асл матнда мустаҳкамланган ва бошқа тилга таржима қилганда узатиладиган семантик ва стилистик, ҳиссий экспрессив, функционал, баҳоловчи жанр, эстетик характердаги бутун мазмун, бутун маълумотлар тушунилади. Иккинчидан, аниқлик киритиш керакки, эквивалентлилик (адекватлилик) деганда асл нусханинг жанр ўзига ҳослиги ва асл матнда мавжуд бўлган ҳар хил маълумотларнинг таржима матнида энг тўлиқ ва бир хил сақланиши тушунилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Koster C. The translator in between texts: on the textual presence of the translator as an issue in the methodology of comparative translation description // Translation studies/ Ed. S. Holmes. Cambridge: University Press, 2002.
2. Lefevere A. Translation, rewriting and the manipulation of literary fame. London: The Cromwell Press, 1992.
3. Newmark P. Round-table Discussion on Translation in the New Millennium // Translation Today: Trends and Perspectives/ Eds. G. Anderman, M. Rogers. - Clevedon: Multilingual Matters Ltd., 2003.
4. Pym A. Translation and text transfer: an essay on the principles of intercultural communication. Frankfurt am Main, 1992.
5. Tytler A.F. Essay on the principles of translation. Edinburgh: Cadell, 1997.